Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш бўйича Сенат қўмиталари ва комиссияларининг, ҳар бир сенаторнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар нормалари ишлаши учун зарур бўлган қонуности ҳужжатлари ўз вақтида эълон қилинишини ва ҳуқуқни қўллаш ҳолатини мунтазам назорат қилиш устувор вазифалар қаторида тилга олиб ўтилди. Бунда сенаторларнинг кундалик иш услубида мустаҳкам ўрин олиши лозим бўлган парламент назоратини амалга ошириш расмиятчилик учунгина кечишига йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди.

Яқинда қабул қилинган “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган барча механизмни ишга солиш муҳим аҳамиятга эга. Маърузада минтақавий ва умумдавлат манфаатлари мувозанатига эришишга, қонунийликни, қонун устуворлигини таъминлашда парламент ролини оширишга қаратилган Сенат фаолиятининг самарадорлигини ошириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда демократлаштиришга қаратилган қонунларни кўриб чиқишга киришдилар.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган **“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун ёшлар сиёсатининг асосий қоидалари, бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, тўғридан-тўғри таъсир қилишни яхлит қонун ҳужжатида мужассам этиш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди.

Қонунда ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларни, ёшларнинг очиқ ва сифатли таълим олишини таъминлаш, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва ҳоказо.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини марказда ва жойларда рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгилаб берилмоқда. Ушбу органлар зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, меҳнат ва бошқа соҳаларда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган талаблар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шак-шубҳасиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилмоқда.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, энг аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиришга ҳам қаратилган. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокининг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилмоқда.

Сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун мамлакатимизда зарур имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимиз ёшларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама баркамол шахслар қилиб шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шундан сўнг сенаторлар **“Ички ишлар органлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланган ва парламентнинг қуйи палатасига киритилган ҳамда ички ишлар органларининг мақомини, биринчи навбатда, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар фаолиятининг шакллари ҳамда усулларини аниқ белгилаб беришга қаратилган.

Мажлисда ушбу Қонун ички ишлар органлари тизими ва тузилишини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда ваколатларини, уларнинг ходимларига нисбатан қўйилган талабларни, шунингдек, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини аниқ белгилаб бериши таъкидланди.

Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Ички ишлар органлари зиммасига фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини, юридик ҳамда жисмоний шахслар мол-мулки ҳимоясини таъминлаш вазифалари юклатилмоқда.

Ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош қилиш, жамоат жойларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини белгилаб қўйиш уларнинг жамият ва давлат олдидаги жавобгарлигини оширади.

Қонунда ички ишлар органлари хизматига қабул қилишга доир қўйилган асосий талабларга, хизмат ўташ шартларига алоҳида ўрин ажратилган.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу Қонун ички ишлар органлари нуфузини мустаҳкамлашга, улар фаолиятида қонунийликни таъминлашга, шунингдек, ходимларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ижро этиш бўйича жавобгарлигини оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда табиатни муҳофаза қилиш соҳасига доир қонунлар ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган **“Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, Қонуннинг асосий мақсади ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришдан, ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш тизими самарадорлигини оширишдан, уларнинг яшаш муҳитини сақлашдан, шунингдек, қонуннинг тўғридан-тўғри таъсир қилишини таъминлашдан иборат.

Амалдаги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таъсирчанлигини оширишга ва биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи ҳайвонлар генофондини комплекс ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қонунчилик ҳужжатларидаги нуқсонларни бартараф этишга, қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилган янги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлайди.

Қонунда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда давлат органларининг, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмоқда.

Ҳайвонот дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқишнинг ҳуқуқий режимини, табиий муҳитдан “Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлар ажратиб олинишини тақиқлашни, ҳайвонот дунёси объектларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг яшаш муҳитини сақлаш бўйича биотехник тадбирлар ўтказиш тартибини белгилаб берувчи нормалар қонуннинг муҳим қоидаларидир.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ва назорат олиб бориш, ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш масалалари қонунда алоҳида ўрин эгаллайди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонуннинг қабул қилиниши табиий шароитларда ёввойи ҳайвонларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган **“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”**-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқдилар.

Мажлисда сенаторлар янги қонун ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, ундан оқилона фойдаланиш тизимининг самарадорлигини оширишга, атроф-муҳит бус-бутунлигини ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитни сақлашга қаратилганлигини қайд этдилар.

Қонунда ўсимлик дунёси муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш борасидаги субъектларнинг ваколатлари, ўсимлик дунёси объектларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, карантин тадбирларини ўтказиш талаблари аниқ белгилаб берилган. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ҳамда назорат олиб боришнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши табиатнинг барқарорлигини, биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, хусусан, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик организмлари генофондини асраш, мамлакат минтақаларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яратиш ва кенгайтириш ҳамда ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш соҳасида норма ҳамда нормативларни ишлаб чиқиш борасидаги муносабатларни қонуний йўл билан самарали тартибга солиш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шуning билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# Мукаммал қонунлар — тараққиёт гарови

Пойтахтимизда ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизациялаш борасидаги тизимли ислоҳотларни давом эттириш, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилишнинг кафолатларини кучайтириш, эртамиз эгалари бўлмиш ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалалар кўриб чиқилмоқда. Мухбиримиз ушбу масалаларнинг аҳамияти хусусида сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Шоҳида АРИПОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Ялпи мажлисда мустақиллик туфайли жамият ҳаётининг барча жабҳасида мислсиз ютуқлар қўлга киритилаётгани алоҳида эътироф этилди. Дарҳақиқат, истиқлолнинг илк йиллариданоқ чуқур ўйланган миллий тараққиёт стратегияси изчил амалга оширилгани шу муваффақиятларимиз, марраларимизнинг гарови бўлмоқда. Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб бораётганида кўриш мумкин. Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Жамият ҳаётини янгилаш ва тубдан ислоҳ қилиш жараёнида, ялпи мажлисда қайд этилганидек, парламентимиз ҳам фаол иштирок этаяпти. Олий Мажлис томонидан ўтган даврда амалга оширилган ишлар демократик ислоҳотларни ҳаётимизга изчил жорий этиш ҳамда фуқаролик жамияти қуриш йўлида муносиб ҳисса бўлди. Мустақиллик йилларида миллий парламентимиз томонидан 16 та кодекс ва 800 дан ортиқ қонун қабул қилинганининг ўзиёқ шундан далолат бериб турибди.

Бугун юртимизда халқимиз турмуш шароитларини янада яхшилаш, иқтисодиётимизни жадал тараққий эттириш ҳамда ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш мақсадида стратегик ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Албатта, мазкур ўзгаришлар олдимизга янада масъулиятли вазифалар қўяди. Уларни муваффақиятли адо этиш учун, аввало, фаолиятимизга танқидий ёндашиб, ишимиздаги нуқсонларни вақтида бартараф этиш ва масъулиятни оширишимиз зарур. Айниқса, қонунлар сифатини яхшилаш, улардаги нормаларнинг ишлаши учун зарур қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан қатъий назорат олиб бориш бўйича тизимли чоралар кўрилиши керак.

**Икром ҚОРАТОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Сенат ялпи мажлисида таъкидланганидек, ўтган даврда бири-бирини тўлдирадиган, изчиллик билан рўёбга чиқарилган комплекс чора-тадбирлар халқимизнинг ҳаёт тарзини тубдан яхшилаш, қишлоқларда шаҳарлардагидан қолишмайдиган шарт-шароитларни яратиш, энг муҳими, одамларимизнинг онгу тафаккурини, дунёқарашини бутунлай ўзгартириш имконини берди.

Собиқ тузум даврида камситилган, эътибордан четда қолган қишлоқ аҳлининг қадрини, иззат-ҳурматини ўрнига қўйиш энг муҳим мезон сифатида белгиланди. Айниқса, қишлоқ жойларда 7 йилда қарийб 70 мингта намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларнинг барпо этилгани улкан ижтимоий-иқтисодий, социал-маданий аҳамият касб этади.

Кенг кўламдаги шу тарихий ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш, айни пайтда уларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонунлар ва давлат дастурлари ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш орқали бу жараёнларда парламентнинг ҳам ҳиссаси борлиги барчамизда фахр уйғотади. Айниқса, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар моҳияти ҳамда уларнинг натижаларини қиёсий таҳлиллар асосида кенг оммага тушунтириш, шу тариқа дунёда ҳамда жамиятимизда кечаётган жараёнларга нисбатан нуқтаи назаримизни баён қилиб боришимиз айни муддаодир.

Дарҳақиқат, Президентимиз алоҳида қайд этганидек, парламент — бу жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикру қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ҳамда мунозараларда ўз ифодасини топиши лозим. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади.

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам кайфияти ҳукмрон, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари қизғин давом эттирилаяпти. Бу бежиз эмас. Чунки халқимизнинг эртанги кунга ишончи баланд, бугунидан кўнгли тўқ, турмуш сифати кундан-кун яхшиланаяпти. Буларнинг барчаси истиқлол шарофати, юртимизда рўёбга чиқарилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор ислоҳотлари самарасидир.

Ушбу йўналишдаги пухта ўйланган сиёсат жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, одамларни жипслаштириш, келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти. Мисол учун, мустақиллик йилларида одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди, оналар ва болалар ўлими кескин камайди. БМТ кўмагида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг энг бахтли мамлакатларидан бири сифатида эътироф этилди.

Бу ютуқ ҳамда марраларни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа қонунчилигини такомиллаштириш, ҳаётий дастурлар ижроси самарадорлигини оширишда ҳар бир сенаторнинг фаол иштирокини тўлиқ таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, яқинда амалиётга киритилган “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни тўлиқ бажариш учун ҳар биримиз, аввало, ўзимизга нисбатан талабчанликни оширишимиз лозим.

**Зайнаб БЕРДИЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун юртимизда келажагимиз эгаларига қаратилаётган эътиборнинг яна бир юксак намунаси бўлди. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишидан тортиб касб-ҳунар эгаллаши, ишга жойлашиши, уй-жойли бўлиши — барчаси давлат эътиборида бўлиб, бунинг учун давлат органлари билан бир қаторда, нодавлат ташкилотларнинг, умуман, кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати йўналтирилган.

Биргина таълимга қаратилаётган эътибор хусусида тўхталадиган бўлсак, мамлакатимиз таълим соҳасига йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10 — 12 фоизини ташкил этаётир. Бинобарин, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич ўртача 3 — 5 фоизга тенг. Қувонарлиси, Ўзбекистон Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирадиган дунёдаги саноқли давлатлар сирасига киради. Асосийси, ушбу улкан сармоя ҳисобига юртимизда ҳар йили юзлаб таълим муассасалари — мактаб, коллеж ва академик лицейлар, олий ўқув юртлари қайта таъмирланиб, замонавий моддий-техника базасига эга бўлаяпти, республикамизнинг энг узоқ қишлоқларида ҳам спорт мажмуалари қад ростламоқда.

Қонун ёшлар таълим-тарбияси борасидаги ишларимиз самарадорлигини ошириш, йигит-қизларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароитларда таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун қўшимча кафолатлар яратади. Уни жойларда ёшларга кенг тушунтириш, бу борада уларга берилаётган имтиёзлардан хабардор қилишда сенаторларимиз янада фаоллик кўрсатиши айни заруратдир.

**Тоҳир БАҲРОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Маълумки, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ички ишлар органларининг, биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли муҳофаза этиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш, шу мақсадда алоҳида қонун қабул қилиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, мутасадди идоралар томонидан экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилган.

Сенаторлар қайд этганидек, Қонун ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолияти йўналишлари ва принциплари ҳамда уларнинг ваколат ва мажбуриятлари, шунингдек, ушбу идораларда хизмат ўташ тартиби ҳамда шартлари, ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси яхлит ҳужжатда мужассамлаштирилаётганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялашга, юртдошларимизнинг, хўжалик субъектларининг мулкларини асраб-авайлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, одамлар тинчлиги, оилалар хотиржамлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Қобил ХИДИРОВ**
**ёзиб олди.**

> Маррани доимо баланд қўйиб яшанг,
> азиз болаларим, давр бизники,
> марра бизники!
>
> **Ислом КАРИМОВ**

# ОЛИМП ЧЎҚҚИСИ забт этилди!

## Ўзбекистон спортчилари Рио-де-Жанейродаги ғалабаси билан дунёни ҳайратга солди.



ЎзА олган сурат.

# МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ

## ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам

**Мамлакатимиз Олимпиада ғолиблари, совриндорлари ва қатнашчиларини ҳақиқий қаҳрамонлардек кутиб олди. Миллий авиакомпаниямизнинг махсус самолёти қўнган аэропортда, йўл четларида юртдошларимиз қўлларида гуллар, байроқлар ҳамда рамзий белгилар билан улкан муваффақиятга эришган спортчиларимизни олқишлашди. Бундай пайтларда халқнинг чинакам ватанпарварлик фазилатлари кўзга янада яққол ташланади.**

Шу юртга мансуб бўлган муштарак ғалаба қувончи одамларимиз юз-кўзларида акс этарди. Спортчилар қўлга киритган ютуқ мустақил мамлакат фуқароларида, айниқса, навқирон авлодда шу Ватанга дахлдорлик туйғусини ифодаларди.

Дарҳақиқат, бу, юртнинг энг улуғ тўйи олдидан муносиб бир туҳфа, ўзига хос байрам, шодиёна. Бундай марралар, айниқса, ижод аҳлига алоҳида илҳом бағишлайди. Рассом қўлига мўйқаламини олиб, боксчимиз Фазлиддин Ғоибназаровнинг кўзида севинч ёши билан байроғимизни баланд кўтариб турган қиёфасини, оғир атлетикачимиз Руслан Нурудиновнинг Олимпиада рекордини янгилаган онларини меҳр ила чизишга киришган бўлса, не ажаб. Тажрибали чарм қўлқоп усталари — Ҳасанбой Дўсматов, Шаҳобиддин Зоиров, Шаҳрам Ғиёсов, Бектемир Меликўзиев, Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиевнинг шижоати, иродаси ҳақида эса шоирлар аллақачон мисралар битишаяпти. Радио мурватини бурасангиз, Ришод Собиров, Диёрбек Ўрозбоев, Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврўзов, Магомед Ибрагимов каби паҳлавонларимиз мардлиги мадҳ этилган янги қўшиқлар эфирга узатилмоқда. Телевизорда Ўзбекистон ёшлари, истиқлол фарзандларининг Риодаги беллашувлари такрор-такрор намойиш этилаётган бўлса-да, томошабинлар сафи камаймайди. Қайта-қайта кўраверамиз, яна ва яна завқу шавққа тўлаверамиз. Бу шунга арзийди. "Баракалла, азамат, бопладинг!" деган ҳайқириқлар янграйди. Таҳририятимизга ҳам гоҳ Андижон, Сирдарё ёки Жиззахдан, гоҳида Нукус, Термиз ёхуд Қаршидан, қўйингки, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан, турли касб эгаларидан бўлаётган қўнғироқлар, йўлланаётган мактубларда ҳам спортчиларимиз шаънига илиқ сўзлар айтилиб, қўлга киритилган ушбу ютуқ истиқлол берган имкониятлар билан боғлиқ экани ифодаланади.

Албатта, мустақиллик — буюк, истиқлол — тотли неъмат! Энг муҳими, у халқимизни бирлаштирди, доимо ҳамжиҳат бўлишга, тараққиётнинг янгидан-янги довонларини биргаликда босиб ўтишга, Ватан тақдири билан боғлиқ ҳеч бир воқеликка бефарқ бўлмасликка ўргатди. Кексаю ёшнинг қалбида она-юртга садоқатни мустаҳкамлади.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н. Йўлдошев ҳамда бошқалар мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Эришилган тарихий муваффақият билан Ўзбекистон олимпиадачиларини қутлади.

Урф-одатимизга кўра, Миллий олимпия қўмитасида спортчиларимизга зарбоф тўнлар кийдирилди.

Айтиш жоиз, мустақиллик йилларида спортчиларимиз ёзги Олимпиада ўйинларидан бирор марта ҳам совринсиз қайтишмаган. Ваҳолонки, ҳатто кўплаб ривожланган давлатлар вакиллари айрим Олимпиада баҳсларидан медалсиз кетишга мажбур бўлган. Эътибор беринг: 1996 йили Атлантада ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида юртдошларимиз биттадан кумуш ва бронза, 2000 йили Сидней шаҳри мезбонлик қилган беллашувларда битта олтин, битта кумуш ҳамда иккита бронза медаль билан тақдирланган. 2004 йилги Афина Олимпиадасида спортчиларимиз 2 олтин, 1 кумуш ва 2 бронза медали, 2008 йилда Пекинда ўтказилган нуфузли спорт анжуманида битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медаль билан юртимизга қайтишган. 2012 йили Лондонда бўлиб ўтган Олимпиадада битта олтин, иккита бронзага эга чиқишган. "Рио — 2016"да эса натижа янада юқори — 4 олтин, 2 кумуш, 7 бронза. 13 медални қўлга киритган Ўзбекистон спорт делегацияси Осиё давлатлари орасида тўртинчи, МДҲ мамлакатлари ўртасида иккинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади. Боксчиларимиз Куба, АҚШ, Буюк Британия ҳамда Россия каби бокс ривожланган давлат вакилларини ортда қолдириб, дунёда биринчи поғонани банд этди.

Ўзбекистон ёшлари истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмас. Бу жиҳат XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари мисолида яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### *ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ИШТИРОКИ ХОРИЖ ОАВ НИГОҲИДА*

*"Рио Олимпиадасининг охирги кунида Қозоғистон терма жамоаси 22-ўринга пастлади. Сўнгги паллада Ўзбекистон мамлакатимиздан ўзиб кетди. Қозоғистонда битта олтин камроқ".*

***Sports.kz интернет-нашри.***

*"Нурудинов 2012 йилда Лондон Олимпиадасида 4-ўринни эгаллаганидан сўнг унинг чап тиззасида жароҳат пайдо бўлди. Шу боис у 2013 йилдан 2015 йилгача спорт мусобақаларида қатнаша олмади. Руслан ўша дамларда ўзида катта куч ва ирода топиб, яна спорт мусобақаларига қайтиш ҳақида ўйлади ҳамда бугун шундай юксак маррани эгаллади".*

***Agence France-Presse.***

*"Руслан Нурудинов силтаб кўтаришда 237 килограмм натижа билан Олимпиаданинг янги рекордини ўрнатди. Иккикураш якуни бўйича олтин медални қўлга киритди. Шу пайтгача Марказий Осиё давлатлари орасида ҳеч бир оғир атлетикачи бундай муваффақиятга эриша олмаган".*

***www.nbcwashington.com***

**Бектемир МЕЛИКЎЗИЕВ, Олимпиада ўйинлари кумуш медали соҳиби:**

— Халқимиз чиндан-да бир-бирига меҳр-оқибатли. Қаранг, бизни шундай катта тантана билан кутиб олишди. Яқинларим, дўстларимдан ташқари, юртимизнинг турли гўшаларидан келган отахону онахонлар ҳам бағриларига маҳкам босиб, "Яшанглар, биз сизлар билан фахрланамиз" дейишганда жуда таъсирландим. Биз, ёшлар қўлга киритаётган бундай ютуқлар истиқлол шарофати, давлатимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани туфайлидир. Фурсатдан фойдаланиб, бутун халқимизни мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан табриклайман.

**Маъруфжон ҲАЙИТБОЕВ, Олимпиада чемпиони Ҳасанбой Дўсматовнинг отаси:**

— Ўғлим Олимпиадада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, билдирилган ишончни оқлаганидан фахрланаман. 2000 йили Сиднейда ўтказилган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида оиламиз билан биргаликда боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг беллашувларини томоша қилгандик. Ўшанда юртдошимиз олтин медални қўлга киритганда чин дилдан қувонган, унга, унинг ота-онасига ҳавас қилгандик. Қарангки, бугун биз ана шундай бахтиёрлик суруридан баҳрамандмиз. Ўғлимиз Олимпия ўйинлари ғолибига айланди. Буни вояга етказган, тарбиялаган мустақил Ўзбекистонимизнинг ғалабасидир. Зеро, юртимиз мустақил бўлмаганида оддий бир деҳқон фарзанди шундай марраларга эриша олармиди?! Йўқ, асло! Шу боис ҳам истиқлолнинг қадр-қиммати юксак.

**Диёрбек ЎРОЗБОЕВ, Олимпиада совриндори:**

— Олимпиада нафақат мен учун, балки бутун терма жамоамиз учун омадли бўлди. Биз, ёшларнинг қўлга киритаётган бундай ютуқларимиз мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг меҳр-эътибори, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайлидир.



# Халқимиз спортчиларимиз эришган муваффақиятлардан фахрланмоқда

**Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида спортчиларимиз XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ватанимизга ўзларининг ажойиб совғасини туҳфа этишди.**

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан вакилларимизнинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилган нуфузли мусобақадаги иштироки юзасидан халқимизнинг фикрини ўрганиш мақсадида экспресс-сўров ўтказилди.

Респондентларнинг 99,8 фоизи спорт мамлакатимизда янги босқичга, юксак поғонага кўтарилганини, Ўзбекистон атлетларининг Олимпиададаги муваффақияти эса мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар самараси, деб билишини таъкидлаган. Сўровда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжуманидаги улкан ютуқлар, аввало, Президентимиз томонидан амалга оширилаётган оқилона

## Экспресс-сўров

сиёсат натижаси эканлигини эътироф этишган. Спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга, профессионал спортчилар, мураббий ҳамда ҳакамларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётир.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, юртдошларимиз ўзбекистонлик спортчилар қатнашган мусобақаларни катта ҳаяжон билан кузатишди. Сўровда иштирок этганларнинг барчаси Ўзбекистон терма жамоаси Олимпиада ўйинларида аъло даражада қатнашиб, юксак натижаларга эришганини таъкидлади. 99,3 фоиз респондентнинг фикрича, спортчиларимиз тўрт йилликнинг нуфузли беллашувларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилдилар. Ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган вакилларимиз номи эса юртимиз ва жаҳон спортининг солномасидан жой олди.

Сўров иштирокчилари олимпиадачиларимизнинг ажойиб муваффақиятлари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга, юртимизнинг қудратли спорт мамлакатлари қаторидан ўрин олишига хизмат қилишини алоҳида кўрсатиб ўтишди. Респондентлар мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида барча жабҳада, жумладан, спорт соҳасида эришган юксак марра ҳамда натижаларидан ғурурланишини қайд этган. Вакилларимизнинг Рио-де-Жанейродаги иштироки халқимиз учун унутилмас онларга бой бўлган ёрқин воқеа ва ҳақиқий спорт байрами сифатида эътироф этилган.

Сўровда қатнашганлар 2016 йилги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон вакиллари эришган юксак натижалар ҳақида ўз ҳис-туйғуларини ўртоқлашар экан, "ғалабадан қалблари фахр ҳамда қувончга тўлгани"ни, "спортчиларимиз мустақил Ўзбекистон салоҳиятини муносиб намойиш этганлиги"ни бот-бот таъкидлашди.

Ўзбекистон олимпиадачилари мусобақаларда шижоат, ғалабага бўлган иштиёқ, тетик руҳ, қатъият, қобилият сингари энг яхши фазилатларини намойиш этиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

Экспресс-сўров иштирокчилари 2020 йили Токиода бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз бундан-да юксакроқ марраларни қўлга киритишга, улардан фақат ва фақат ғалаба кутишларига ишонч билдиришган. Юртдошларимиз спорт мусобақаларида эришилаётган медалларимиз сони янада ортишига, Ватанимиз мадҳияси энг нуфузли халқаро турнирларда кўп бора янграшига умид қилишаяпти.

Респондентлар Ўзбекистоннинг 2016 йилги Олимпиада ўйинларидаги муваффақиятларини эътироф этган ҳолда, ушбу ғалаба мамлакатимизда нафақат спорт ҳамда олимпия ҳаракатини ривожлантириш, айни пайтда юртдошларимизнинг она-Ватанимиз равнақи йўлида барча соҳада улкан марраларга эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилишини кўрсатиб ўтишди.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди.**

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон спортчилари **4** та олтин, **2** та кумуш, **7** та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Марказий Осиёда **БИРИНЧИ**, МДҲда **ИККИНЧИ**, Осиёда **ТЎРТИНЧИ** ўринни эгаллади.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6